№ 45

*Эртага—Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик*

# ҲАММА—МЕҲНАТ БАЙРАМИГА!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 91 (5382).
20 АПРЕЛЬ 1984 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

*Коммунистик шанбаликлар коммунизмнинг ҳақиқатан бошланиши бўлгани учун бениҳоя қимматлидир...*

## ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ: БАЙРАМ ЗАРБДОР ВАХТАСИГА ТАЙЁРМИЗ!

Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалиги. Ушбу сўзларнинг ҳар бири чуқур маънога эга, уларда социалистик тузумимизнинг туб мазмуни ўз ифодасини топган. Ушбу сўзларнинг моҳиятига ўта ғамхўрлик, меҳнатга янгича, бетакрор муносабат ўз аксини топган.

Эртага — шанбалик! Миниглаб кишилар меҳнат байрамига чиқишади. Уларнинг ҳар бири одатдаги ўз ишлаб чиқариш нормаларини ошириб бажаришга ҳаракат қилади. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари «қизил шанбалик»ка ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бу кунга пухта тараддуд кўрилди. Шанбаликка тайёргарлик кўриш бўйича шаҳар, район, корхоналар ва муассасаларнинг штаблари катта ташкилий ишларни амалга оширдилар. Шу кунни байрам кайфияти билан, юксак самарадорлик билан меҳнат қилиш учун инманки зарур бўлса ҳамма ҳисобга олинди.

КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг ана шу пленум ва сессиядаги нутқлари барча совет кишилари қатори тошкентликларни ҳам зарбдорона меҳнатга чорламоқда.

Эртага — шанбалик. Ҳеч шубҳа йўққи, умум ишига салмоқли ҳисса қўшиш йўлидаги барчанинг, ҳар бир кишининг куч-ғайрати туфайли ана шу кунга белгиланган барча режалар рўёбга чиқади. Келинг, бутун совет халқининг байрами — ленинча коммунистик шанбаликда бевосита актив иштирок этайлик!

Қуйида биз Ўзбекистон пойтахти районларида шанбаликка сўнгги тайёргарлик қандай бораётганлиги ҳақида ҳикоя қиламиз.

● ЛЕНИН РАЙОНИ

### РЕЗЕРВЛАРИМИЗ КЎРИГИ

Эртага барча совет кишилари қатори трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг коллективи ҳам шанбаликка юксак марраларни белгилашган. Шу куни улар 83 мингдан зиёд пассажирни ташиб берадилар, жорий ремонт ишларини бажарадилар,

Тошкент Совети 50 йиллиги номидаги вагон-ремонти заводининг коллективи 11 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ремонт-қури л и ш бошқармасининг меҳнаткашлари эртага 110 метр трамвай изларини капитал ремонтдан чиқарадилар.

Электр транспортчилар коллективи белгиланган планларни муваффақият ли бажариш ниятида. Чунки коммунистик шанбалик резервларимизнинг, ижодий меҳнат кучларининг кўригидир, буюк анъаналарга садоқатимизнинг далолатидир.

**Ф. АЛИМОВ,**
**Тошкент Совети 50 йиллиги номли вагон-ремонти заводининг фрезерчиси, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери.**

● ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

### ЗАРБДОР ВАХТАДА

«Тавлашпассаж т о» бошқармасига қарашли 7-автобус парки коллективи шанбалик қатнашчиларини ўз вақтида ишларига етказиб қўйиш учун тонг отар-отмас машиналари ру-ға туширишади. Шу районимизнинг ҳар 120 минг киши «Қизил шанбалик»ка чиқади. Коллективимиз шу куни зарбдор вахтада туриб, юксак меҳнат унумдорлиги-га эришибгина қолмасдан, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатади.

21 апрель арафасида бўлиб ўтган умумий йиғилишда коллективимиз пландан ташқари 3 минг йўловчига хизмат кўрсатиш, 37 та автобус, 32 та агрегат, 11 та двигателни ремонтдан чиқариш билан бирга 8 тонна темир-терсак йиғиш ва ўн биринчи беш йиллик фондига 500 сўм ўтказишга қарор қилган.

Корхона территориясини, ирригация шахобчаларини тозалаш билан бирга дарахтлар таги юмшатилади. Шанбалик куни-да район бўйича 16 минг туп дарахт ўтқазилади.

**М. КАРИМОВ,**
**7-автобус парки шофёри.**

● ҲАМЗА РАЙОНИ

### ТРАФИКДАН ЎЗИБ

Бригадамиз коллективи коммунистик шанбаликни меҳнат ғалабаларига айлантиришга ҳаракат қилади. Биз бу беш йиллик фондига камида 213,2 минг сўм ўтказиш, энг юқори унумдорлик билан меҳнат қилишга аҳд қилган Ҳамза райони меҳнаткашларининг режаларига қўшилган бизнинг ҳиссамиз бўлади.

**А. БОБОЖОНОВ,**
**В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадасининг бригадири, шаҳар Советининг депутати.**

● СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

### «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК»КА ТАЙЁРМИЗ

Заводимиз коллективи коммунистик шанбалик куни учун материал-ёғоч-қипиқли плитапар, пардозлаш материаллари, елим билан таъминлаб қўйди. Эртага шу материалдан 10 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш керак. Ҳар бир ишчи ортага қандай иш бажаришидан қатъи назар, шу куни ишлаб чиқариш ускуналарини ишга туширишга, смена топшириқларини 120 процент бажаришга аҳд қилишди.

1-трамвай депосининг меҳнаткашлари ҳам шанбаликка юксак марраларни белгилашган. Шу куни улар 83 мингдан зиёд пассажирни ташиб берадилар, жорий ремонт ишларини бажарадилар,

Тошкент Совети 50 йиллиги номидаги вагон-ремонти заводининг коллективи 11 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ремонт-қури л и ш бошқармасининг меҳнаткашлари эртага 110 метр трамвай изларини капитал ремонтдан чиқарадилар.

Электр транспортчилар коллективи белгиланган планларни муваффақият ли бажариш ниятида. Чунки коммунистик шанбаликка юксак марраларни белгилашган. Шу куни улар 83 мингдан зиёд пассажирни ташиб берадилар, жорий ремонт ишларини бажарадилар,

Коллективимиз ишчи коржомасида ўтадиган байрамга шундай тайёргарлик кўрди. Сергели районидаги бошқа корхоналарда ҳам пухта тайёргарлик ишлари амалга оширилган.

**Ҳ. ИЎЛДОШЕВ,**
**ошхона ва бошқа мебеллар заводи комсомол-ёшлар бригадасининг бригадири.**

● ФРУНЗЕ РАЙОНИ

### РЕКОРДГА ИНТИЛИБ

БУГУН

**Эртага ўн миниглаб тошкентликлар бегараз меҳнат қилиш учун ўз иш жойларини эгаллайдилар, районларни ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар.**

**СУРАТЛАРДА: «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг шанбаликни ўтказиш бўйича штаби аъзолари В. Шепунова, М. Усмонов, штаб раиси, партия комитетининг секретари Ғ. Обидов. Бирлашма бўйича шанбаликка 2 минг нафардан зиёд киши иштирок этади, 39 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 5 минг сўмга яқин пул беш йиллик фондига ўтказилади; «Таштекстильмаш»нинг В. Гришнев етакчилик қилаётган пешқадам бригадаси аъзолари.**

Т. Каримов фотолари.





● АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

### ҚУРУВЧИЛАР АҲДИ

Ағарда бизнинг коллективимиз коммунистик шанбалик куни меҳнат қиладиган объектларни бир ерга жамлайдиган бўлсак кичкинагина шаҳарча ҳосил бўлади. Шаҳарча турар жой бинолари, иккита туғруқхона, маиший хизмат уйи, ётоқхонадан иборат бўлар эди. Мингдан зиёд қурувчилар В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигини ана шу объектларда зарбдор меҳнат билан нишонлайди.

Трест коллективи меҳнат байрамида ўз кучлари билан 22,5 минг сўмлик ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини бажариш, 80 кубметр бетон ётқизиш, 75 кубометр йиғма-темир бетон буюмларини монтаж қилиш, 500 метр узунликда ғишт териш ва бошқа ишларни бажаришга аҳд қилди. Территорияни ободонлаштириш бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинади. Биз 300 минг сўмга яқин пулни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилдик.

Район қурувчилари эса жами 60 минг сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажаришга аҳд қилишган. Бирлашма бўйича ана шу куни 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади ва беш йиллик фондига 8 минг 700 сўм ўтказилади.

**М. ШАБАЕВ,**
**СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг 18-цех слесарь-созловчиси, Ленин ордени кавалери.**

● ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

### САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

Бригадамиз меҳнатчилари эртага якдиллик билан Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбаликка чиқишади. Ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари «қизил шанбалик» кунида смена топшириғини анча ошириб бажаришга аҳд қилишди.

Мен бошчилик қилаётган бригада шанбалик кунида, ўз иш жойини эгаллайди. Кун бўйи тежалган электр қуввати ва материаллар эвазига ишлаймиз. Эртага корхонамиз ҳаммаси бўлиб 20 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Асосий корхонанинг меҳнатчилари ўн биринчи беш йиллик фондига икки минг сўмдан кўп пул ўтказишади.

**А. ПУШКАРЕВ,**
**«Средазэнергоцветмет» асосий корхонасининг бригадири.**

● КИРОВ РАЙОНИ

### САФАРБАРЛИК БИЛАН

Тикувчилик бирлашмамиз коллективи ленинча коммунистик шанбаликни яхши кайфият билан кутиб олмоқда. Байрам биз учун айниқса азиз, чунки корхонамиз Қизил байроғини Ленин ордени безаб турибди.

Жами бирлашма бўйича 235 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Шунинг 30 проценти иқтисод қилинган хом ашё, материаллар ва электр энергияси ҳисобидан ишлаб чиқарилади. Кенг ҳажмда ободонлаштириш ишларини олиб бориш — юзлаб туп дарахт ва буталар ўтқазиш, суғориш тармоқларини тозалаш белгиланган. Биз беш йиллик фондига 6,1 минг сўм ўтказамиз.

Район бўйича 113 минг киши меҳнат байрамига чиқиб, шу кунни энг юқори меҳнат унумдорлиги. аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан нишонлайдилар.

**Г. ЗАКРИТНАЯ,**
**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси, шаҳар партия комитетининг аъзоси.**

● КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

### БАЙРАМ КАЙФИЯТИДА

Тошкент трактор созлари эртага бўладиган коммунистик шанбаликда актив иштирок этишга аҳд қилдилар. Байрам кайфияти корхонанинг ҳамма ерида ҳукм суради. Ишчи ва хизматчилар ҳузурида бадиий ҳаваскорлар концерт қўйиб беришади. Ахир, шўх мусикасиз байрамни тасаввур қилиб бўладими?

Корхона пешқадамлари «қизил шанбалик»да смена топшириқларини 1,5 баробар ортиғи билан бажаришга аҳд қилишган. Бирлашма бўйича ана шу куни 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади ва беш йиллик фондига 8 минг 700 сўм ўтказилади.

**М. ШАБАЕВ,**
**СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг 18-цех слесарь-созловчиси, Ленин ордени кавалери.**

## САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимига сайланганлигим муносабати билан мени табриклаган партия, давлат органларига, жамоат ташкилотларига, корхоналар, муассасалар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг, ўқув юртларининг меҳнат коллективларига, партия ветеранларига, Совет Армияси ва флоти жангчиларига, барча совет кишиларига самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

Азиз ўртоқлар, мен бу табрикларни совет халқи партиямизнинг КПСС XXVI съездида белгилаб берилган ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида ижодий ривожлантирилган ленинча сиёсатини, унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда Ватанимиз тараққиётини таъминлашга қаратилган изчил йўлини астойдил қўллаб-қувватлаётганлигининг нишонаси деб биламан.

Социализм позицияларини янада мустаҳкамлаш учун, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун, тинчлик ва демократия ишининг тантанаси учун муштарак курашда совет коммунистлари билан социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг раҳбарларига, қардош Коммунистик ва ишчи партияларига сидқидилдан ташаккур билдираман. Менга қутловлар йўллаган чет мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбобларига, граждапларига чуқур миннатдорчилик изҳор этаман. Шу фурсатдан фойдаланиб, Совет Иттифоқи турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат замон синовидан ўтган ленинча принципга амал қилиб, урушнинг олдини олишга, тинчликни мустаҳкамлашга, барча давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бундан буён ҳам конкрет ишлар билан қўмаклашаверишини яна бир бор таъкидламоқчиман.

**К. ЧЕРНЕНКО.**

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко кеча Кремлда КПСС Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва Болға» олтин медали ва Ленин орденини, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновга Ленин ордени, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. М. Чебриковга Маршаллик Юлдузини топширди.**

Мукофотларни топшириш чоғида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Мукофотларни топшириш ҳақидаги батафсил ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган.

## ШАҲАР ШТАБИНИНГ МАЖЛИСИ

**Кеча Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин раислигида В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликни ўтказиш шаҳар мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахти меҳнат коллективларининг шу йил 21 апрель меҳнат байрамини ўтказишга тайёргарлиги тўғрисида Сергели район партия комитетининг биринчи секретари Б. Турик, Киров район партия комитетининг биринчи секретари М. Камолова, Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Нажмитдинов, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. Содиқовларнинг ахборотлари тингланди.**

**Штаб «қизил шанбалик» куни оммавий-маданий тадбирларни, савдо, умумий овқатланишни ташкил этиш масалаларига катта эътибор берди.**

## ШУ КУННИНГ НАФАСИ

### *Бугун Тошкентда:*

**Шаҳардаги барча меҳнат коллективларида, саноат корхоналари, қурилиш участкаларида, олий ўқув юртларида, илмий муассасаларда ягона сиёсий кун бўлиб ўтди. 600 дан зиёд сиёсий докладчилар ўз нутқларида Буюк Почтининг анъаналари ҳақида батафсил тўхталдилар. Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик кунида зарбдорларча меҳнат қилишга даъват этдилар.**

**Тошкент шаҳар Китобсеварлар жамияти ва китоб савдоси идораси ташаббуси билан доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишлаб оммавий-сиёсий адабиётлар ҳафталиги бошланди. Ҳафталик кунларида шаҳарнинг саноат корхоналарида китоб савдолари, тематик кечалар, шоир ва ёзувчилар, шунингдек таниқли партия ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади.**

### ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 11 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 6—8, эртага кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

## ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН

19 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида республика халқ хўжалиги ва маданияти илғорларидан катта бир группасига СССРнинг орден ва медаллари, Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гуоҳномалар ҳамда кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари тантанали вазиятда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов топширди. (ЎзТАГ).

## *ОЙБЕККА БАҒИШЛАНАДИ*

Ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири — Ойбек туғилган кунга келгуси йилнинг январида 80 йил тўлади. Ёзувчининг номи кўпмиллатли совет адабиёти тарихидан ўрин олган. Унинг «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари, «Дилбар —давр қизи», «Темирчи Жўра» достонларида тасвирланган қаҳрамонларнинг ёрқин образлари китобхонларнинг авлодларини тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда.

Ташкилот комитетининг 19 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси Ойбек туғилган кунгинг 80 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланди. (ЎзТАГ).

## СССР НАРХ ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

СССР Нарх давлат комитети КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорига биноан 1984 йил 20 апрелдан бошлаб тузланган ва зираварланган иваси сельдининг давлат чакана нархлари 37—40 процент камайтирилишини хабар қилади.

Бочкада суст ва ўртача тузланган иваси сельди 1 килограммининг чакана нархи 2 сўм 50 тийиндан 1 сўм 50 тийинга, банкада махсус тузланган иваси сельди 1 килограммининг нархи 3 сўм 20 тийиндан 2 сўмга туширилди. Иваси сельдидан тайёрлаб банкаланган маҳсулотнинг бошқа айрим турлари нархлари ҳам камайтирилди.

Чакана нархлар камайтирилишининг жами миқдори йилига 450 миллион сўмни ташкил этади.

## СИЛКИНИШ МАРКАЗИ КАТТА ЧУҚУРЛИКДА

«Тошкент» марказий сейсмик станцияси 19 апрель куни маҳаллий вақт билан соат 9 дан 54 минут ўтганда ер қимирлаганлигини қайд этди. Унинг маркази Тошкентдан 520 километр жанубдаги Ҳиндукуш тоғларида 200 километр чуқурликда жойлашган. Бу ерда ер қимирлаш кучи 5—6 баллга, Душанбада 3 баллга, Тошкент ва Самарқандда 2 баллга, Фарғонада 2 баллга етди.

(ЎзТАГ).







«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ЧОРЛАЙДИ

# ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

ФОТОРЕПОРТАЖ

«Главташкентстрой»ни н г 6-трестнга қарашли 7-қурилиш бошқармаси коллективи бундан уч йил муқаддам шаҳримизнинг Акмал Икромов районида Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқув филиалини қуриб фойдаланишга топширганди. Бугунги кунда улар шу филиал билан ёнма-ён бунёд этилаётган янги йигирув ишлаб чиқаришида сўнгги ишларни амалга оширяптилар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг бу йигирув ишлаб чиқариши 16,6 минг йигирув ўрнини бўлади, 360 киши меҳнат қилади. Унинг фойдаланишга топширилиши бу ерда пахтадан газлама тайёрлайдиган комплекс бунёд этиш имконини беради. Шу райондаги ишчи кучлари ресурсларидан самарали фойдаланиш учун шароит яратади.

Қурилишнинг норматив муддати 32 ой белгиланган ди. Аслида бу иш ўн олти ойда ниҳоясига етказиляпти. Бунга қурувчилар қандай муваффақ бўлишди? Аввало бу ерда иш сирғалувчи график асосида уч сменада ташкил этилди. Қурилишнинг янги, илғор усулларидан самарали фойдаланилди.

Қурилишда И. Поизов, А. Криенко бошлиқ комплекс қурувчилар бригадалари, А. Мамзе́ров, А. Холмуродов, В. Мельниченко бошлиқ пардозчилар бригадалари катта ғайрат ва шижоат кўрсатдилар.

Энг муҳими, қурилиш Акмал Икромов район партия комитетининг доимий эътиборида бўлди. Бу қурилиш зарбдор объект деб эълон қилинди... Район партия комитети қурилишга етишмаган деталларни тайёрлашда яқиндан кўмаклашди, энг яхши мутахассисларини ёрдамга юбориб турди. Район корхоналари ва ўқув муассасаларининг энг яхши комсомол-ёшлари бу қурилишдаги ҳашарда қатнашишни ўзлари учун шараф деб билдилар. Бу ҳаракат айниқса кейинги пайтда кучайди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишлаб, 21 апрелда ўтказиладиган коммунистик шанбалик куни бу ерда чинакам меҳнат байрами бўлади. Районнинг энг яхши ҳавас-корлик коллективлари, ошпазлари шу ерда бўлади.

1 Май байрами арафасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг янги ишлаб чиқариши ўзининг биринчи маҳсулотини беради.

* * *

СУРАТЛАРДА: Тошкент тўқимачилик комбинатининг Акмал Икромов районидаги янги йигирув ишлаб чиқаришининг маъмурий бинолари. Янги ишлаб чиқаришнинг нёд этишда фидокорона меҳнат қилган ота-бола тўқимачилар Ўктам ва Ўткир Дойбергановлар; цехларнни тозалаб, тартибга келтиришда жонбозлик кўрсатаётган студент-ёшлар.

Т. Каримов фотолари.

# БОШ МУХБИРИМИЗДАН




ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

# ИШЧИНИНГ БАХТИ



Инсон аввало оилада камол топади. Энг яхши инсоний хислатларни ота-онасидан ўрганади. Флюра ҳам меҳнатда эришаётган ютуқлари ҳақида сўз юритилса, уни меҳнатсевар қилиб тарбиялаган отаси ва онасидан миннатдор эканини мамнунлик билан изҳор этади. 1968 йилнинг 22 марти —Наврўз байрами куни бўлиб ўтган суҳбатни эслайди.

... Уша куни ойим сумалак пиширган эдилар. Баҳорнинг бу тансиқ таомидан баҳраманд бўлишнинг гашти ўзгача бўлади. Оиламиз аъзолари ҳар йили наврўзда тўпланиб, суҳбатлашардик. Бу — ҳанузгача удум бўлиб қолган.

Отам — Аҳмад Нигматжонов ун заводида меҳнат қилардилар. У киши Тошкент шаҳар Советининг депутати эдилар. Уша наврўз байрами куни онам менинг истагимни отамга айтдилар.

—Дадаси, Флюрахонингиз бу йил саккизинчи синфни битиряпти, «Юлдуз»га ишга кирмоқчи. Ўқишни давом эттиргани яхшимиди дейман, —дедилар ойим.

—Тўғри ўйлабди. Қизимнинг ниятига рад жавоби беролмайман. Майли ишласин...

Октябрь районидаги 132-ўрта мактабнинг саккизинчи синфини тамомлагач, ўша 1968 йили Флюра «Юлдуз» фирмасига ишга келди. Уни фабриканинг бичиқ цехига шогирд сифатида ишга қабул қилишди.

У дастлаб ўзини бутун бир бошқа оламга кириб келгандай ҳис қилардим. Тикиш машиналарининг, вентиляциянинг шовқинига аста кўника бошлади.

Флюра мураббий ишчи Надя Измайловна Исмаевага шогирд эди. Бу ишчан аёл бичиқчиликнинг сир-асрорларини қунт билан шогирдига ўргата бошлади. Устоз учун шогирдининг эзҳни, тақлид қила билиши, тиришқоқлигидан яхшиси бўлмайди. Бу хусусиятлар эса Флюрада бор эди. Шунинг учун ҳам шогирд устозининг барча меҳнатларини зое кетказмади...

Бир ўйлаб кўринг-а, бир бичиқчи бир кунда пландаги 500 та костюмга астар бичиб бериши ўрнига 1200 та костюмни тайёрлаб, бичиб беради. Демак, планни 200 процентдан ошириб бажаради. Флюра ҳозир ана шундай донгдор ишчи бўлиб танилди. У ўз ишидан ҳамиша мамнун. Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланган. Ўхшашликни қаранг, бир вақтлар отаси, илғор ишчи Аҳмад Нигматжонов ҳам Тошкент шаҳар Советининг депутати эди.

Ўтган йили Флюранинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди. Уни шоили КПСС аъзолигига қабул қилишди.

Флюрахонлар оиласини ишчилар сулоласи десак бўлади. Отаси ва онаси ишчи бўлишган. Умр йўлдоши Қосимжон Полтаев —В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида участка бошлиғи, укаси Шуҳрат — «Главташкентстрой»нинг 4-трестида, Каримжон эса Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигида шофер, Шавкат —Тошкент метрополитенида машинист бўлиб ишлайди. Булар — ҳақиқий ишчилар сулоласи.

Ҳар бир корхонада ишчининг муносиб мусобақадош бўлиши табиий. Шундай экан, Флюра Полтаеванинг ҳам ўз мусобақадоши бор. Бу —илғор ишчи Лилия Халилова бўлиб, Флюра билан бир цехда, ёнма-ён туриб ишлайди. Лилия ҳам илғор иш методларини яхши ўзлаштирганлардан. Шу туфайли ҳам бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш шиори билан чиқанлардан бири. Флюра Полтаева ҳам, мусобақадош Лилия Халилова ҳам СССР Олий Советига сайловлар бўлиб ўтган 4 Март арафасида шу йилнинг беш ойи планини бажаришди.

Илғор ишчи, ёш коммунист ўзи ишлаётган корхонада меҳнат унумдорлигини ўстиришга, ишчилар ўртасида жамоат ишларини олиб бориш, ишчиларнинг болаларини боғчага жойлаштириш, шуниндек, ветеран ишчилардан хабар олиб туриш каби жамоат топшириқларини сидқидилдан бажаради. У корхона халқ контроли группасининг аъзоси сифатида ҳам фаоллият кўрсатяпти.

Яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бир группа ишлаб чиқариш илғорлари, шаҳар Совети депутатларининг ташаббусини маъқулладилар. Улар меҳнат унумдорлигини планга қўшимча камида 1 процент ўстириш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини 0,5 процент арзонлаштириш ва меҳнат унумдорлиги бўйича беш йиллик топшириғини Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача бажариш мажбуриятини олишган. Ана шу ташаббускорлар орасида Флюра Полтаева ҳам бор. У шу кунларда ўз сўзининг устидан чиқиш учун ғайрат билан меҳнат қиляпти.

— Меҳнат кишисининг бахти интилишда, яратишда. Бирлашмамизда тикилган костюмларни ҳамшаҳарларимиз кийиб юришганини кўрганимда ғоят қувонаман. Чунки шу бежирим кийимлар тикилишида менинг ҳам ҳиссам бор. Инсон учун ўз меҳнати самарасини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак, —дейди у фахр билан.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

* * *

СУРАТДА: Ф. Полтаева.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР— ҲАЁТИМИЗ КЎРКИ

# Авлодлар эъзозида

Жамият равнақи учун хизмат қиладиган анъаналарни ҳаётбахш деймиз. Чунки улар меҳнаткашларнинг истак ва орзуларини мужассам этади, замон руҳи ва эҳтиёжига мос келади.

Ҳа, ҳаёт янгича анъаналарни юзага чиқармоқда. Ишчилар сафига қабул қилиш, пенсияга кузатиш, янгича тўйлар, паспорт бериш, Совет Армияси сафига кузатиш, кумуш ва олтин тўйлар, пахта байрами, дўстлик кечалари... Эҳ-э, буларнинг сон-саноғи йўқ. Булар — социалистик тузум, совет турмуш тарзи инъом этган янги анъаналар.

Меҳнат аҳлининг кундалик турмушига, фаолиятига ёрдам бериб келаётган, уларнинг энг яхши орзу ва муваффақиятларини ўзида мужассамлаштирган анъаналаримиз жуда кўп. Ҳашар йўли билан маҳаллалар, кварталлар ободонлаштирилмоқда, янгидан-янги хиёбонлар, кўприклар барпо этилмоқда. Ҳашар анъанаси эндиликда якка тартибдан бир хонадон қобиғидан чиқиб, бутун маҳалла, район, шаҳар, республика, колхоз ва совхозлар тарихи жамоатчилик институти ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги ветеранлари совети, шу институтнинг область партия комитети ҳузуридаги филиали ҳамда Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия ветеранлари совети томонидан тузилган ҳашарчилар бригадаси меҳнат қилди. Бу бригадага «КПСС сафида 50 йил» нишондори, ветеран Умарбек ота Арслонов етакчилик қилди. Улуғ Ватан уруши ветерани Маҳсум Хўжаев, 1921 йилдан партия аъзоси, Иттифоқ миқёсидаги пенсионер, Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия ветеранлари совети раисининг ўринбосари Йўлдош ота Бобожонов ҳам улар сафида эди.

...Турмушимизда г и энг яхши анъаналар тобора сайқал ва камол топиб бормоқда. Ота-боболаримизнинг ибратли ишларини ва г и г йиллар синовидан ўтган ажойиб ҳашарчиликнинг ажойиб намуналарини. Бундай анъаналарнинг эса умри узоқ. Уни ҳозирги авлод янада яшартирмоқда.

Д. МАҲМУДОВА.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ БУГУНГИ ПОЧТАСИДАН

# ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни. Бу анъанавий байрамни муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун республикамиз меҳнаткашлари, олий ўқув юртларининг студентлари пухта тайёргарлик кўрдилар.

Шанбаликка Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари фабрикаси коллективи ҳам катта тайёргарлик билан келди. Куни-кеча фабрикада бўлиб ўтган йиғилиш шу қутлуғ санага бағишланди. Йиғилишда фабрика бош директори, шанбалик ўтказиш штабининг бошлиғи С. Сандкаримов, партия комитети секретари А. Мустақимов, бичиқ цехининг бичиқчиси Л. К. Горохова, 5-цех бригадири С. Яҳёева ва бошқа илғор ишчилар, меҳнат ветеранлари, бўлим бошлиқлари, инженер-техниклар, комсомол ташкилотининг масъуллари ва аъзолари шу куни янада кўтаринкилик ва ишлашга ундаш сўзларини айтдилар. Жумладан, бичиқчи Л. Горохова ўз сўзида шундай деди:

— Ишчи-синфимиз ва бутун халқимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигини муносиб меҳнат ғалабалари билан нишонлашга тайёрланмоқда. Биз ҳам ўтган йилги шанбалик куни ишлаб чиқаришимизни 1 миллион сўмлик маҳсулот ҳисобидан кўпайтириб, 1195 киши ишлаб, 1 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда берган эдик. Ваъдамизга вафодорлик кўрсатиб, 1 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Меҳнат байрамининг 1300 сўмлик маҳсулоти

• КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКЛАР ТАРИХИДАН

# «БУЮК ПОЧИН» АНЪАНАЛАРИ

В. И. Ленин туғилган кун шарафига коммунистик шанбаликлар анъанаси ҳаётимизда муҳим ўрин тутмоқда.

13 коммунист ва икки ишчи — Москва-Сортировочная депосининг слесарлари ва машинистлари шанба куни кечқурун ҳақ олмай паровозларни ремонт қилиш учун навбатдан кейин қолиб ишлашганига 65 йил бўлди.

— Она Ватанга, революция тақдирига хавф туғилаётганини англаб етиш бизни фронт учун жўшқин меҳнат қилишга ундади, — деб ҳикоя қилган эди биринчи шанбалик ташаббускорларидан бири И. Б. Бураков.

Унинг изидан кўплаб ишчилар борашди. Май ойида уларнинг сони бир неча минг кишига етди. Бир йилдан сўнг биринчи Бутуниттифоқ шанбалигига 15 миллион киши киди.

В. И. Ленин шанбаликларни коммунизм куртаклари деб атаган эди. Доҳий «Буюк Почин» асарида дастлабки коммунистик шанбаликлар тажрибасини умумлаштириб, унинг янги социалистик ва коммунистик жамиятни бунёд этишдаги катта тарихий аҳамиятини таъкидлаб ўтган эди.

Туркистон ўлкасида коммунистик шанбаликларни Тошкент шаҳрининг учинчи райони темир йўл ишчилари бошлаб берган эдилар. Уларнинг ташаббуси билан 1919 йил 11 октябрда станцияда биринчи шанбалик ўтказилди. Унда фақат коммунистлар қатнашган эдилар. Бир ҳафтадан сўнг ўша ерда ўтказилган меҳнат байрамида беш юзга яқин киши қатнашди. Улар орасида кўплаб партиясиз ишчилар, қизил армиячилар ва ўқувчилар бор эди.

Тошкентда 1919 йил октябрь, ноябрь ва декабрь ойларида 22 та шанбалик ўтказилди. Уларда 3665 киши қатнашди.

Энг уюшқоқ ва революцион синф — ишчилар синфи ўша оғир йилларда, яъни ички контрреволюция ва интервентлар ҳар томондан ҳужум қилиб турган вайронагарчилик ва очлик ҳукм сурган бир пайтда давлатга мумкин қадар кўпроқ ёрдам бериш кераклигини яққол тушунишарди.

РКП (б) IX съезди шарафига 1920 йил апрель ойида 2 мингдан зиёд тошкентлик шанбаликларда қатнашдилар. Бу шанбаликлардан тушган маблағ — 500 минг сўм пул мамлакат эҳтиёжлари учун берилди. Шаҳар ва уездларда, мамлакатнинг бошқа бурчакларида съезд қарорларини бажариш шиори остида 1920 йил 1 Май куни меҳнат байрами ўтказилди. Шанбаликда омма билан биргаликда Туркистон Революцион Ҳарбий Совети аъзоси В. В. Куйбишев ҳамда партия ва совет органларининг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

Бир неча йилдан сўнг коммунистик шанбаликларда барча миллатларнинг хотин-қизлари ҳам актив иштирок этадиган бўлдилар. Масалан, 1929 йил 1 августда 50 нафар ўзбек хотин-қизи шанбаликда қатнашди. Уларга хотин-қизлар бўлимининг делегати Р. Исматуллаева бошчилик қилди. Хотин-қизлар хоналарни тозалашди, болалар уйлари тарбияланувчиларига, беморларга парвона бўлишди.

Шанбаликлар хўжалик вайронагарчилигига қарши курашда катта роль ўйнади. Улар эски анъаналар устидан ғолиб чиқилганлигининг ифодаси бўлди, меҳнатга янгича коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатди.

1919 йилда бошланган буюк почин бугунги кунларда ҳам шахдам одим отмоқда.

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари 1983 йил 16 апрель куни умумхалқ ишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Шу куни 1 миллиондан зиёд шаҳарликлар, шу жумладан 248200 ишчи меҳнат байрамига чиқишиб, ғоят унумли меҳнат қилишди. Шанбалик қатнашчиларн 11 миллион 408 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. 906800 сўмлик иш ҳақи эса тинчлик фондига ўтказилди.

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллиги шарафига, эртага, 21 апрель куни ўтказиладиган коммунистик шанбалик меҳнаткашлар оммасининг зўр ғайрат-шижоати ва фидокорлигининг ёркин намунаси бўлади, у ленинча ғоялар тантанасини, Совет халқининг буюк почин шонли анъаналарига садоқатини яна бир бор намоён қилади.

**А. АБДУҚОДИРОВ,**
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети партия архивининг мудири.

**П. ЦАПЛИН,**
партия архивининг илмий ходими.

*Оромгоҳлар мавсумга шайми?*

# БАХМАЛ БОҒЛАР БАҒРИДА

*• Яхши дам—меҳнатга ҳамдам • Бўсағада сўлим ёз*

Собир Раҳимов номли болалар оромгоҳи маъмурияти боғни ёзги мавсумга тайёрлаш борасида катта ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда. Биз бундан жуда хурсан дмиз. Бироқ шу боғ ичидаги оқиб ўтувчи ариқ бу йил ҳам тозаланмай қолди. Айни кунда ариқ тўла сув ичида синган каравотлар, темир-терсаклар кўриниб турибди.

Аҳоли номидан: **Д. ХОЛМУҲАМЕДОВА,**
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Хар қандай хушманзара ва оромбахш боғ болалар билан кўркам, дарахтли. Тошкентда ана шундай гавжум оромгоҳлар кўпгина. Бироқ уларнинг ҳаммасига ҳам болалар келишини интизорлик билан кутиб ётган бўлишига қарамай Собир Раҳимов номидаги оромгоҳларимиз сайли кунларида боғнинг мавсумга бошланганида ҳам ҳамма ёқда ҳам кираверишда тараддуд бир хил кўринмайди. Одамларга дам олиш учун ҳам вақт ажратилмаган. Ҳатто Тошкент шаҳар маданият бошқармаси маданият ва истироҳат боғларини мавсумга тайёрлаш борасида катта ишларни амалга оширганида, —дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ш. Ҳайитметов. — Боғлар учун 32 минг сўмлик керакли жиҳозлар олинди. Айни пайтда шаҳардаги 15 та оромгоҳда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бироқ кўл атрофида дарахтлар сийрак.

Боғда доимий дам олувчилардан бири, ҳамшаҳримиз, ҳарбий хизматчи И. Рожковнинг айтишича, бу ерда болаларга мўлжалланган аттракционлар етарли эмас.

Мавсумга тайёргарлик давомида паркда 200 туп чинор, 65 туп Қрим сосналари, 2000 дан ортиқ турли гул кўчатлари ўтказилди, хиёбонлар тартибга келтирилди, кўлнинг болалар учун ажратилган пляжи кенгайтирилди. Бироқ ҳали қилинадиган ишлар бор.

Пушкин номли маданият ва истироҳат боғи 1932 йилда шаҳар комсомол ёшларининг ташаббуси билан барпо бўлган. 30-йилларнинг комсомоллари яратган бахмал боғ шу кунда дов-дарахтлари, бу ерга ўшанда экилган қулоча сиғмайдиган толу-тераклари билан яшнаб турибди.

Оромгоҳнинг дарвозаси ҳозир қўл учида ремонт қилинган. Карусель ва арғимчоқлар бўялмаган.

Бу ерда ҳам анчагина ободонлаштириш ишлари олиб борилган, гул ва дарахт кўчатларининг таги юмшатилиб, янги ниҳоллар экилган. Бироқ шунинг билан бирга боғ территориясида шох-шаббалар, анчагина темир-терсак йиғилиб қолган.

Валентин Котик номли болалар оромгоҳи шаҳримиздаги энг намунали болалар дам олиш масканларидан бири. Бу ерда мароқли дам олиб, қизиқарли викторналар ва спорт ўйинларида иштирок этиб юрган кичкинтойлар билан бирга катталарни ҳам учратиш мумкин. Парк маъмурияти катта ёшдаги дам олувчилар учун ҳам оммавий сайллар, меҳнаткашларнинг дам олиш кунларини ўтказишга эътибор бериб келади. Бироқ паркдаги ёзги кинотеатр биноси ҳозир мавсум олдида ишга яроқсиз. Уриндиқларнинг бўёғи кўчиб, қийшайиб кетган, экран худди тирнинг нишон қоғозига ўхшаб илматешик бўлиб кетган.

Собир Раҳимов номли болалар оромгоҳида ҳам мавсумга тараддуд кўрилган, мавжуд аттракционлар болалар ташрифига мунтазир. Бироқ бу ерга келувчи ёш дам олувчиларни ҳисобламаганда улар жуда оз. Бу ерда аллақачон арғимчоқ ўрнатиш зарур. Боғда ҳозирча салқин ичимликлар ва музқаймоқ билан савдо қилувчи дўконча ҳам йўқ. Боғ ичидан ўтган ариқ тозаланмай сув қўйиб юборилган.

Бу ерда қурилган ГАИ шаҳарчаси доим болалар билан гавжум бўлади. Аттракцион бир йўла 40 болага хизмат кўрсатади, уларга йўл қоидаларини ўрганишда ёрдам беради. Ҳозир бу майдонча ҳам қисман тайёр ҳолда, светофор чироқларини ремонт қилиш, йўлкачаларни тартибга солиш зарур.

Бу йил ҳам шаҳримиз болаларида анъанавий «Дўстлик» карнавали, «Меҳнат — узоқ яшаш сири» байрамлари, қаҳрамон оналарга бағишланган «Ҳазрати она» байрамлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига бағишланган «Шаҳримиз Олтин юлдузлари» байрамлари ўтказилади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги юбилейига бағишланган «Ўзбекистон — она диёрим» театрлаштирилган байрами ўтказилади. Оромгоҳларда ҳамшаҳарларимизнинг бахтли замонамиз нашидасини суриб шоду-хуррам дам олишлари учун улкан тадбирлар ўтказиш мўлжалланган. Республикамиз юбилейи йилида юксак меҳнат кўтаринкилигида ишлаётган ҳамшаҳарларимиз оммавий сайллар мавсумига бошланишига интиқ. Шаҳримиз бахмал боғлари мавсумга шай турмоғи лозим.

**И. ЮСУПОВ,**
Ўзбекистон телевидениеси Тошкент шаҳри ва области учун кўрсатувлар программаси Бош редакциясининг Бош редактори.

**М. ЮСУПОВ,**
«Тошкент оқшоми»нинг мухбири.

* * *

**СУРАТЛАРДА:** ёзги дам олиш мавсумига шай Валя Котик номли болалар оромгоҳида;

* * *

Ленин комсомоли номли марказий маданият ва истироҳат боғида ҳали қилинадиган ишлар бор.

**М. Нуриддинов** фотолари.

Ҳурматли оқшомхонлар! Ушбу мавзуга бағишланган телекўрсатувни сиз бугун Ўзбекистон телевиденесининг 2-программаси орқали соат 19.15 да кўришингиз мумкин.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## Чехословакиянинг денгиз флоти

ПРАГА. Чехословакия денгиз флоти барпо этилганлигининг чорак асрини нишонламоқда. Қуруқликдаги республиканинг 14 та кўптоннажли кемалари бўлиб, бу кемалар Совет Иттифоқи, ГДР ва Польша портлари рўйхатида туради. Чехословакия кемаларининг умумий тоннажи жиҳатидан қуруқликдаги мамлакатлар ўртасида дунёда Швейцариядан кейин иккинчи ўринда туради.

## КЎПЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАДИ

СОФИЯ. Болгариянинг Сливен шаҳридаги «Победа» металл қирқувчи комбинати коллективи катта меҳнат ғалабасига эришди. Рақамли программа билан бошқариладиган «СП—586» маркали янги серунум токарлик станоги кўплаб ишлаб чиқариш жараёнларини автомат тарзда бошқариш совет системаларига ҳам улайвериш мумкин бўлади. Бу нарса ундан ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.



НЕПАЛ. Патан шаҳридаги XVI—XVII асрлардаги қадимги водопровод ҳозир ҳам ишлаб турибди.

* * *

Ньяятапола —Непалдаги энг юксак ибодатхона ҳисобланади. Унинг қурилганига яқинда 300 йил тўлди. Давр шамоллари унинг гўзаллигига раҳна сололмаган. У Непалнинг фахри ҳисобланади.

**Ю. Родионов** фотолари (ТАСС).



# ГРЕНАДА «ҚАҲРАМОНЛАРИ»ГА МЕДАЛЛАР

ВАШИНГТОН. АҚШ мудофаа министрлиги ўтган йилнинг октябрида Гренадага бандитларча бостириб киришда қатнашган кишиларни мукофотлаш учун медалларнинг катта бир туркумини тайёрлаб, қўшин қисмларига юборди.

Гренада «қаҳрамонлари»ни шарафлаш Рейган маъмуриятининг пропаганда кампаниясидаги янги бир бўғин бўлиб қолди. Ана шу пропаганда кампанияси мамлакатда шовинистик васвасани ҳаддан ташқари авж олдиришни ва америкаликларни чет элларда қўшинлардан фойдаланиш «қонуний» ва «мумкин»лигига ишонтиришни мақсад қилиб қўйган. Яқинда президент ана шу кампания доирасида Гренадада «алоҳида ўрнак кўрсатган» каллакесарларни Оқ уйда қабул қилди, мудофаа министри К. Уайнбергер эса маъмурлар май ойининг охирида Вьетнамдаги разил урушда ҳалок бўлган «номаълум солдат» ҳокини дафн этиш дабдабали маросимини уюштиришга қарор берганликларини эълон қилди.

АҚШнинг Никарагуага ва бутун Марказий Америка регионига қарши қўпорувчилик ишлари доимо кучайтирилаётган бир пайтда бундай кампаниянинг мазмуни тобора мудҳиш бўлиб қолмоқда. Ғарбий ярим шар ишлари кенгаши жамоат ташкилоти ижрочи директорининг ўринбосари Жим Андерсон ТАСС мухбири билан суҳбатда айтганидек, бу кампания Америка ҳарбийлари АҚШдан ташқарида илгари қилган жиноятларини, шу билан бирга эса келгусидаги жиноятларини оқлашга қаратилгандир.

Шу нарса диққатга сазоворки, Гренадага бостириб кириш қатнашчилари учун зарб қилинган «мукофотлар» сони ороларга интервенцияда бевосита қатнашган денгиз пиёда аскарлари сонидан 1.600 донадан зиёд ортиқдир. Маъмурият уларни келгусида планлаштирилаётган бандитлик хуружларининг «қаҳрамонлари» учун эҳтиётдан тайёрлаб қўйган кўринади...

## ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН

ЛУАНДА. Ангола меҳнаткашлари миллий бирлашмасининг 1-съезди бу ерда ўз ишини тамомлади. Съезд делегатлари меҳнаткашлар оммасини халқ хўжалиги ва социал вазифаларни бажаришга, меҳнат унумдорлигини оширишга сафарбар қилишни кўзда тутган бир қанча резолюцияларни маъқулладилар. Хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокига, уларни миллий қурилиш жараёнига кенг жалб этишга бағишланган алоҳида ҳужжат қабул қилинди. Анжуман иштирокчилари қабул қилган махсус қарорда МПЛА—Меҳнат партиясининг ва Ангола Халқ республикаси ҳукуматининг олиб борётган ички ва ташқи сиёсатини тўла равишда қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

МПЛА—Меҳнат партияси раиси, АХР Президенти Ж. Э. Душ Сантуш съезднинг ёпилишида сўзга чиқиб, ангола халқини сиёсий жиҳатдан ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда касаба союзларининг роли тобора кучаяётганлигини уқтириб ўтди. У ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашга чақирди.

Ж. Э. Душ Сантуш республиканинг ярқчилар ва империализм кирдикорларига қарши озодлик йўлида олиб бораётган оғир курашига ҳар тарафлама ёрдам ва мадад бериб турган социализм мамлакатларига, айниқса Совет Иттифоқи билан Кубага алоҳида халқнинг миннатдорчилигини изҳор этди.

**АҚШ. Асрлар давомида АҚШнинг негр аҳолиси қонунсиз қувғинлар, ўлдиришлар, зўравонлик, қуллик ва эксплуатация қурбони бўлиб келмоқда. Майамидаги негрлар нстиқомат қиладиган жой—Овертаунда ирқий камситишларга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди.**

**СУРАТДА:** қуролсиз кишилардан ўч олиш натижасида 20 киши оғир яраланди, юзлаб негрлар қамоққа олинди.

**АП—ТАСС** телефотоси.



## «ДИДСИЗЛИК—84» ВИСТАВКАСИ

Габрово шаҳрида очилган виставка «Дидсизлик—84» деб аталади. Бу виставкада уй-рўзғор, мода, урф-одатлар, кўргазмали агитация ва архитектурадаги дидсизликни фош этувчи 1500 экспонат қўйилган. Маданият комитети, ченг истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва шу моллар билан савдо қилиш министрлиги, Габрово юмор ва сатира уйи ҳамда бошқа ташкилотлар уюштирган виставка нима учун дидсизлик вужудга келиши, унинг истеъмолчига қадар етиб бориш йўлига қандай қилиб ғов солиш масалаларига жавоб қайтармоғи лозим. Экспозиция молнинг сифатсиз бўлиши — ишлаб чиқарувчилар маданиятн пастлигининг кўрсаткичи эканлигини таъкидлайди. Виставка Болгариянинг бошқа шаҳарларида ҳам кўрсатилади.

## БЕЗГАККА ҚАРШИ

Ҳиндистонда безгакка қарши муваффақиятли кураш олиб борилмоқда. Бундан бир неча йил аввал безгакдан миллион-миллион киши жабрланарди. Бу ерда эълон қилинган расмий докладда 1983 йил мобайнида мамлакатда авваллги йилга нисбатан шу оғир касаллик чиқиш ҳоллари 22 процент кам бўлганлиги қайд этилган. Ҳозирги вақтда махсус программада аҳолиси 55 миллион кишидан ошадиган 130 тадан ортиқ шаҳарда безгакни тугатиш кўзда тутилган. Қишлоқ районларда махсус отрядлар ҳавозаларга безгак чивинларининг қуртини қирадиган дори сепишмоқда. Профилактика чораларини кўриш, беморларга вақтида медицина ёрдами бериб туриш ҳам катта аҳамиятга эга. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, Ҳиндистон медиклари программани амалга оширишда. Совет иттифоқилик ҳамкасбларининг тажрибаларидан кенг кўламда фойдаланяптилар. Совет Иттифоқида безгакка оммавий касаллик сифатида аллақачон барҳам берилган.


## ЕР ОСТИ СУВЛАРИ

Мустақиллик йилларн мобайнида Мозамбик аҳолисидан бир ярим миллионга яқин киши тоза ичимлик сувдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Кейинги тўққиз ой ичида республика пойтахтининг ўзидагина 50 тадан кўп артезиан қудуғи ковланди. Бу қудуқлар аҳоли ва шаҳар саноат корхоналарини сув билан таъминлашга имкон берди. 1990 йилга бориб, республикада 15 мингтага яқин янги қудуқ қурнш, 4 мингта қудуқ пармалаш мўлжалланади. Совет мутахассислари халқ хўжалик эҳтиёжлари учун ер ости сувларидан фойдаланишда Мозамбикка катта ёрдам бермоқда.

## АКТИВ КАМПАНИЯ

Ҳозир Мисрда Ғарбдаги катта чўлни ривожлантириш ва у ерда яшайдиган бадавн қабилаларн ҳаётини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. «Ижпшн газетт»нинг хабар беришича, шу районда кўчманчиларни ўтроқ турмуш тарзига ўтказиш борасида актив кампания олиб борилмоқда. Ун беш бадавн оиласи улар учун атайлаб қурилган ва барча зарур нарсалар билан таъминланган замонавий қишлоқларга жойлаштирилдн. Ҳозир яна 10 минг оила учун уй қурилмоқда. Чўлдан ўзлаштирилган ерларни кенг кўламда ўзлаштириш программаси ана шу чоралар заминида ётади. Бу жойларда намуналн мевачилик фермалари ва мевазорлар барпо этилмоқда. Газетанинг ёзишича, ўтроқ турмуш тарзига ўтказиш бадавн оиласи маиший шароитларини яхшилашдан ташқарн ўртача бадавн оиласининг даромадини икки баравардан зиёд кўпайтиришга имкон беради.

# Кучлилар аниқланди



Ўсмирлар ўртасида Тошкентда ўтказилаётган Давиго теннис турнирида саралаш босқичлари бошланди. Турнирда қизлар ва йигитлар ва қизлар ўртасида шунингдек, жуфт разрядда ўсмирлар финал қатнашчилари аниқланди. Хўш, теннисчилардан кимлар голибликн учун кураша давом эттиришади?

Якка разрядда ўсмирлар ўртасида бўладиган ярим финал учрашувида тошкентлик спартакчи, спорт мастери Виктор Богатирёв симферополлик динамочи Александр Чернецкий билан баҳслашади. Ҳамшаҳаримиз ярим финалда руминиялик машҳур теннисчи Михаил Вант билан бўлган учрашувда фахрли ғалабани қўлга киритди. Шунингдек, таллинлик Андрес Висанд ва калининградлик Александр Волков ҳам финалга йўлланма олиш учун ўзаро баҳсга тушадилар.

Қизлар ўртасида якка разряддаги баҳсларда москвалик Виктория Мильвидская ва тбилисилик Лейла Месхи беллашади. Иккинчи жуфтликни эса ереванлик Аида Халатян ва москвалик армиячи Наталья Бикова ташкил этади.

Агар якка разрядда ярим финал учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини фақат мамлакатимиз спортчилари қўлга киритишган бўлса жуфт разрядларда чет элдан келган ёш мастерлар ҳам муваффақиятга эришишди.

Жумладан, биринчи жуфт разряддаги ярим финалда руминиялик Михаил Вант — Ливиу Мануэль Никулас ва мамлакатимиз спортчилари Дмитрий Бузинний —Артур Шиваджан учрашади. Иккинчи ярим финалда эса ГФРлик Аксел Харнунг — Андреас Леш мамлакатимиз спортчилари Александр Волков ва Александр Чернецкий билан баҳсга тушади.

Қизлар ўртасидаги жуфт разрядда ярим финал учрашувлари қуйидаги тартибда бўлади: Наталья Бикова — Виктория Мильвидская (иккаласи ҳам москвалик) ва Татьяна Худа (Львов) —Лейла Месхи (Тбилиси), Петра Седлачкова —Нана Адамкова (Чехословакия) ва Евгения Манюкова — Ирина Фалтеева (иккаласи Москвадан).

Шундай қилиб, теннис бўйича Халқаро ўсмирлар турнирида ҳал қилувчи баҳслар бошланди. Бу баҳсларда энг кучлилар аниқланади. Шуниси диққатга сазоворки, ҳалол ўтаётган баҳслар спортчилар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

**М. ГОРБАЧЁВ.**


* * *

**СУРАТДА: республика терма командасининг вакили В. Богатирёв мусобақа пайтида.**

**Р. Загратдинов** фотолари.







## Спорт кундалиги

▲ Тошкентлик халқаро классли спорт мастери Сергей Иваненко Сухуми шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида катта муваффақиятни қўлга киритди. У 50 метр масофадаги нишонни мўлжалга олишда 600 имкониятдан 600 очко тўплашга муваффақ бўлди. Шу ердаги баҳсларда у республика рекордини янгилашга эришди. Ётган ҳолда, тиззалаб, тик турган ҳолда нишонни мўлжалга олишда 1171 очко тўплади. Республикамизнинг яна бир вакили Истам Очилдиев ҳам беллашувларда дуруст қатнашди. У 10 метр масофадаги нишонни мўлжалга олишда совринли учинчи ўринни эгалладн.

▲ Сочи шаҳрида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги саралаш турнири давом этмоқда. Тўртинчи турда тошкентлик спорт мастери Григорий Серпер халқаро классли спорт мастери таллинлик Лемпет Олле билан дурангга эришди. Тошкентлик спортчи тўрт имкониятдан икки очко тўплаб, жадвалнинг ўрталарида бормоқда.

▲ Республикамиз терма командаси Тошкентда ўтказиладиган XVII Бутуниттифоқ ўқувчилар Спартакиадасига тайёргарликни давом эттирмоқда. Классик кураш бўйича ўтказилган мусобақалар ана шу жиддий беллашувларга тайёргарлик кўришнинг ўзига хос бир босқичи бўлди. Қувончлиси шундаки, бу беллашувларда жуда кўп тошкентликлар биринчи ўринни эгаллашди. Уларнинг орасида Варавин, Ҳаққулов, Тошпўлатовлар бор.

### ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкентлик 15 ёшли гимнастикачи Ирина Бараксанова команда ҳисобида мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди. У шахсий ҳисобда ҳозирча иккинчи ўринда бормоқда.

Тошкентлик яна бир гимнастикачи Оловиддин Отахонов «Буревестник» командаси составида курашув медаль билан тақдирланди.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

# «ҲУР ВАТАНИМНИ, РЕСПУБЛИКАМНИ КУЙЛАЙМАН»

«Санъат байрами», болалар ва ўсмирларнинг Бутуниттифоқ мусиқа ҳафталиги, «Ашула байрами» каби кўрик-конкурслар ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Яқинда республикамиз болалари ва ўсмирлари ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Энди улар «Ҳур Ватанимни, республикамни куйлайман» шиори остида ўтадиган областлараро телеконкурсда қатнашиб, ўз маҳоратларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказадиган бўлишди. Ўтган ойда биринчи бўлиб андижонлик ёш талантлар конкурсга ўз программасини тақдим этган бўлса, апрель ойида республика «Зангори экран»ига фарғоналик ёш санъаткорлар таклиф этилди.

Улар санъатнинг ранго-ранг жанрларида она-Ватан, серқуёш республикамиз, олтин қўлли пахтакорлар, бахтли болалик, дўстлик ҳақидаги куй ва қўшиқларни маҳорат билан ижро этишди.

Бу тадбир Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, республика телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон Композиторлари союзи томонидан ташкил этилган бўлиб, у келгуси йилнинг май ойида — Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган буюк ғалабанинг 40 йиллиги арафасида ниҳоясига етади.

**Н. ШАМСИТДИНОВ.**

# БАХШИЛАР АНЖУМАНИ

Озарбайжонда ошуқлар (бахшилар) ижросидаги халқ қўшиқлари ҳамиша мароқ билан тингланади. Бу санъат жуда узоқ тарихга эга. Ўзбек бахшилари сингари Озарбайжон ошуқлари ҳам соз ёрдамида халқ достонларини, анъанавий қўшиқларни маҳорат билан ижро этадилар. Халқ йиғинлари, катта анжуманлар улар иштирокисиз ўтмайди. Уларнинг конкурслари, қурултойлари ҳам тез-тез ўтказилиб туради.

Яқинда Боку шаҳрида Озарбайжон ошуқларининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда қардош республикалардан ҳам вакиллар иштирок этдилар. Республикамиздан санъатшунослик доктори Ф. Каромат ов, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артист, халқ бахшиси Р. Муродовлар қурултой ишида қатнашдилар.

— Халқ ижрочиларининг қурултойи, — дейди Р. Муродов, — бизда жуда катта таассурот қолдирди. Озарбайжонда ошуқлар ижодига катта аҳамият берилиши, бу борадаги ижрочилик анъаналари муваффақиятли давом эттирилаётганлиги гувоҳи бўлдик. Бокуда ва Сумгаитда меҳнаткашлар билан бўлган учрашувлар, М. Магомаев номли Озарбайжон Давлат филармониясида машҳур ошуқлар, санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт, ҳамкасб дўстлар билан учрашувлар бизда катта таассурот қолдирди. Кейинги пайтда республикамизда ҳам халқ бахшилари ижодига эътибор кучаймоқда. Ўтган йили Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган бахши шоирларнинг республика конкурси бунинг мисолидир. Аммо бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Шу маънода Озарбайжонда ошуқлар ижодини пропаганда қилиш, қадимий халқ санъатига иккинчи ҳаёт эътиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишиш фойдалидир.

**А. ТОШЕВ.**

## • ЛОЙИҲА УСТАХОНАЛАРИДА

# Янги корхона қад кўтаради

«Узгипротяжпром» лойиҳалаш институтининг ходимлари шаҳримизда биринчи марта бунёд бўладиган янги автомобиль транспорти корхонаси лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Юнусобод массивида қад кўтарадиган бу янги корхона фақат заправкачи ихтисослаштирилган автомашиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни жорий ремонтдан чиқариш билан шуғулланади. Корхона ишлаб чиқариш ва маъмурий-маиший корпуслар, автомашиналар ва гидротехника иншоотларининг очиқ бекатидан иборат бўлади.

Автомобиль корхонасининг бунёд этилишидан мақсад юк ва енгил автомобилларни ёқилғи билан тўлдиришга сарфланадиган вақтни кескин қисқартиришдан иборат. Кўчма автозаправкачи машиналар автомобиль базаларида юк машиналари, автопаркларда таксилар, автомобиль тўхташ жойларида эса шахсий енгил машиналарни ёқилғи билан тўлдиради.

## • МАКТАБ ҲАЁТИДАН

# ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР БЎЙЛАБ

Тошкент ёш туристлар шаҳар станциясининг прокат бюроси одамлар билан гавжум: болалар чодир, кўрпа, рюкзаклар, махсус анжомларни олишмоқда. Улар Чимён туристик базасидан Қизилжар тоғ тизмаси орқали Қоранкўл посёлкасига бориш учун уч кунлик йўлга отланишган.

Биз учта довондан — Қизилжар, Арчалик ва Охуршон довонларидан ошиб ўтишимиз керак, — дейди группа раҳбари М. Г. Габулбариева. Ҳозир тоғда қор жуда кўп бўлгани учун ундан ошиб ўтиш кўп куч-ғайрат талаб қилади. Лекин группадаги болалар — Собир Раҳимов районидаги бир неча мактаб ўқувчилари походга жуда яхши тайёрланишган. Улар учун тоғда бўлиш янгилик эмас.

Юқори синф ўқувчилари учун бу поход жонажон ўлка табиатининг гўзалликлари билан таништирувчи қизиқарли саёҳатгина эмас. Улар мактаб — туризми ёш инструкторлари учун бу поход ўқиш ҳамдир. Болалар станцияда олган билимларини амалда кўрсатишлари керак. Келгусида улар раҳбарлигида болалар походга чиқадилар.

Баҳорги каникул вақтида шаҳардаги кўплаб мактабларнинг 100 дан кўп ўқувчиси Тошкент областининг турли томонларига саёҳат қилади. Олтинчи-еттинчи синфларнинг ўқувчилари бир кунлик, юқори синф ўқувчилари икки ва уч кунлик походларга чиқишади. Болалар саёҳат вақтида жойни топографик съемка қилишлар, биологик тадқиқотлар ўтказадилар. Тоғ жинсларининг, ўсимликлар, буталарнинг намуналарини йиғадилар. Булардан мактабларда табиат бурчакларини ва музейлари ташкил этилади.

Мактаб ўқувчилари республиканинг кўплаб шаҳарларига походларга чиқмоқдалар. Ўқувчилар мамлакатнинг бошқа шаҳарларига ҳам саёҳат қиладилар.

**(ЎзТАГ).**

## • Ҳар тўғрида

# ОКЕАНЛАР СУВИ МУСАФФО БЎЛМОҚДА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро программаси бўйича ўттиздан ортиқ мамлакатнинг олимлари тўрт йил давомида жаҳон океанларида кузатиш ишларини олиб бордилар. Улар тайёрлаган «Океанларнинг аҳволи» маълумотномаси натижаларни қувонарли бўлди. Бу маълумотномада айтилишича, кейинги ўн йил мобайнида океан сувларни нисбатан тоза бўлган. Бунда теварак-атрофни муҳофаза қилиш айниқса, зарарли моддалардан кам фойдаланиш учун олиб борилган курашнинг аҳамияти бебаҳо бўлган.**

# МУЗХОНА КИТОБНИ ЯХШИЛАЙДИ

**Канаданинг Калгари шаҳри университетида кутубхонанинг водопровод қувури ёрилиб кетди. Натижада қадимий, ноёб, қалин китоблар шунчалик сувга бўкиб кетган эдики, улар қўлга олингани-ниданоқ титилиб, уваланиб кетаверди. Кутубхона ходимлари консерва саноатида ортиқча намни йўқ қилишда совутиш ва вакуум ёрдамида қуритиш жараёнидан усталик билан фойдаланишди. Дарҳол сувга бўкиб кетган китоблар музхоналарга терилди, улар яхшигина музлаб қотгач, яна вакуум камерасида беш кун сақланди. Мутахассисларнинг фикрича, китоблар аслидагидек пишиқ ҳолга келган. Эндиликда университет кутубхоначилари ноёб, қадимий китобларни шу йўл билан «чиниқтириш»ни таклиф қилмоқдалар.**

# ТОШГА АЙЛАНГАН ЖОНИВОРЛАР

**Улиб кетган жониворларнинг тошга айланган қолдиқлари палеонтологлар ва бу соҳа иштиёқмандларини қизиқтириб қолди. Буни қарангки, Британия фермерлари кейинги пайтда ана шундай қадимий қолдиқларга ихлосманд бўлиб қолдилар. Улар тошга айланган органикни минерал ўғит ўрнида фойдалана бошладилар.**

**Ер остида қолиб кетган бундай қазилмалар Туниссда, Саҳройи Кабирнинг чўл қисмида кўпроқ учрайди. Жониворлар қолдиқларини ўша ерда майдалаб, сўнг буюк Британияга олиб кетмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фикрича ўғитнинг бу янги хили металлургия ишлаб чиқаришидан олинадиган чиқиндиларга нисбатан анча самарали бўлғпти.**

**Илм соҳиблари, хусусан палеонтологлар бундай ҳаракат ҳар қалай яхшиликка олиб бормайди, деб ҳисоблашмоқда.**

## БИЛДИРИШ

«Раҳбар минбари» доимий ишловчи туркумининг тингловчилари диққатига.

23 апрелда «Билимлар уйи»да «Ижтимоий меҳнатнинг юксак самарадорлиги, илмий-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун» мавзуида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Қ. Қобулов, ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг директори, профессор Ж. А. Мусаев, шунингдек Тошкент трактор заводининг директори И. Х. Мусин сўзга чиқадилар.

* * *

Халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинарининг тингловчилари диққатига.

23 апрель соат 18.30 да «Билимлар уйи»да бўлимлар бўйича КПССнинг ташқи сиёсати ва идеологик кураш секцияси ишлайди. Раҳбар — тарих фанлари доктори А. Йўлдошев.


● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕ

ЮМШОҚ ГИЛАМ, ЁРҚИН ГУЛЛИ ПАЛОС—
СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗНИ ФАЙЗЛИ ВА ҚУРКАМ ҚИЛАДИ!

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА
БУНДАЙ ГИЛАМ ВА ПАЛОСЛАРНИ
СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

БУ ЕРДА ХИВАДАГИ ГИЛАМДЎЗЛИК КОМБИНАТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН РАНГ-БАРАНГ ГИЛАМЛАРНИНГ КАТТА ТУРКУМИ САВДОГА ҚЎЙИЛГАН;
ОЛМАЛИҚ ГИЛАМДЎЗЛИК ФАБРИКАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ПАЛОСЛАР, ШОЛЧАЛАР ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН ПАЛОСЛАР, ДОРОЖКАЛАР САВДОГА ҚЎЙИЛГАН.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-39-66).



«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 4

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ
МЕҲНАТ БЎЛИМИ

«МАГАДАНРИБПРОМ», «КАМЧАТРИБПРОМ», «САХАЛИНРИБПРОМ» БАЛИҚ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ВА БОШҚА БИРЛАШМАЛАРГА

балиқларни қайта ишлаш учун 18 ёшдан бошлаб ёлғиз ишчи эркаклар ва хотин-қизларни

МАВСУМИЙ ИШЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ишга жўнаб кетадиган кишилар учун бир йўла нафақа берилади, йўлда бўлган вақти учун суткалик пули, иш жойига етиб боргунча ва шартнома муддати тугаганидан кейин қайтиб келиши учун йўл ҳақи тўланади.

ШАРТНОМА МУДДАТИ — ОЛТИ ОЙГА ТУЗИЛАДИ.

Чегара зонасига кириб бориш ҳуқуқини берадиган пропуска расмийлаштирилади.

ҲУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ 10 КУНДА ТУГАЛЛАНАДИ.

Турар жойи бўйича уй-жой майдони банд этилади.

Қуйидаги адреса мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

ДЗЕРЖИНСКИЙ НОМЛИ МАЙДОНДА
(Метронинг «Ленин номли майдон» станцияси)

САБЗАВОТЛАР ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ЯРМАРКАДАН КАРТОШКА, ПИЁЗ, КУК ПИЁЗ, НОК, ЛАВЛАГИ, ТУРП, РЕДИСКА, БОДРИНГ, ЛИМОН, КИШМИШ, ҲАР ХИЛ КУКЛАР ҲАМДА КОНСЕРВАЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР: ПОВИДЛО, ЖЕМ, ШАРБАТЛАР.

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Сабзавотлар ярмаркаси соат 9 дан 20.00 гача ишлайди.

«ТАШПЛОДООВОЩЧ» БИРЛАШМАСИ (телефон 55-75-73).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).


# театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Парвозда қалбим менинг**, 21/IV да **Флория Тоска**, 22/IV да **Фирибгарнинг найранглари**, (12.00) **Тўмарис** (премьера 19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/IV да **Ғийбат**, 22/IV да **Ғийбат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/IV да **Тошкентликлар**, 21/IV да **Заҳар ичган даъвогар**, 22/IV да **Ўғли ва Мажнун**.

# кино

**20 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ИНГЛИЗ КАРАБИНИДАГИ УЧ ГИЛЬЗА» — **Чайка** (16.00, телефон 77-06-20), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92),

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Чайка** (18, 20, 21.45, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Дружба** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ЁЛҒИЗЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Янгибод** тоқ соатларда, телефон 96-36-21),

«СЕВИШГАНЛАР ҚИССАСИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«МАХСУС ВАЗИФА ОЛГАН ОТРЯД» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ҚАСОС ВА ҚОНУН» — **Санъат саройи** (16, 20.45, телефон 44-21-76).

«ОСМОН ДАРВОЗАСИ» — **«Искра»** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«САЪВАЛАР УЛУҒ ФАС» — **К. Ёрматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

**21 АПРЕЛДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

«ИНГЛИЗ КАРАБИНИДАГИ УЧ ГИЛЬЗА» — **Чайка** (18, 20, 21.45, 16.00, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92),

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Чайка** (18, 20, 21.45, телефон 77-06-20), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Қозоғистон** (тоқ соатларда).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Дружба** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ЁЛҒИЗЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Янгибод** тоқ соатларда, телефон 96-36-21),

«СЕВИШГАНЛАР ҚИССАСИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«МАХСУС ВАЗИФА ОЛГАН ОТРЯД» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«САЪВАЛАР УЛУҒ ФАС» — **К. Ёрматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

«Е